

СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мейлиев О.Р.

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада ҳудудлар иқтисодиётини солиқлар воситасида ривожлантириш масалалари Самарқанд вилояти мисолида таҳлил этилган.

Мазкур мақолада ҳудуднинг даромадлар базаси таҳлил этилган, шунингдек, маҳаллий бюджет даромадлари ва уларнинг таркиби, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг етарлилик даражасига баҳо берилган. Мақолада Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадлари ва ҳудуд солиқ-бюджет муносабатлари ўрганилган ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини солиқлар воситасида ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: ҳудуд, ҳудудлар иқтисодиёти, солиқлар, солиқ тизими, солиқли даромадлар, маҳаллий бюджет, маҳаллий солиқлар, йиғимлар.

В статье анализируется развитие экономики регионов путем налогов на примере Самаркандской области. В данной статье проведен анализ источников доходов регионов, также дана оценка доходам местного бюджета и уровню достаточности местных налогов и сборов. В статье изучены доходы местного бюджета Самаркандской области и региональной налогово-бюджетных отношений, а также даны мнения и предложения по развитию экономики регионов путем налогов.

Ключевые слова: регион, экономика регионов, налоги, налоговая система, налоговые доходы, местный бюджет, местные налоги, сборы.

КИРИШ

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланишида уларнинг ҳудудларини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш ҳудудлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида молиявий барқарорликни, иқтисодий салоҳиятни, мамлакатлар ҳудудлари бюджет таъминотининг зарур даражасини таъминлай оладиган самарали ҳудудий солиқ сиёсатини шакллантириш масалалари долзарблик касб этади.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда инвесторларга қулай муҳит яратиш мақсадида солиқ юкини кескин камайтириш орқали солиқ рақобатига киришаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни илмий ечимини топиш, шунингдек бевосита солиқлар орқали алоҳида ҳудудлар иқтисодий тараққиётига эътибор қаратмоқда ва мазкур масаланинг долзарблигидан келиб

чикиб бу йўналишда мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурияти ошиб бормокда. Халқаро миқёсда ҳар йили мамлакатларнинг солиқларни тўлаш рейтинги эълон қилиниб келинаётган бир вақтда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет-солиқ сиёсати бўйича ваколатларини оширишга эътибор қаратиш долзарблик касб этмокда [8]. Чунки хорижий мамлакатларда ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органи ваколатларининг чекланганлиги салбий таъсир кўрсатмокда. Шу боисдан бу борада илмий тадқиқотлар ўтказилиши ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ҳудуд иқтисодий тараққиётига, маҳаллий бюджетлар даромадлари ўсишига ва ўз навбатида мамлакатларнинг халқаро рейтингдаги ўрни юксалишига хизмат қилади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Республикамизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юкни кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмокда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 3.5-бандида ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш [1] бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицион фаолликни янада жонлантириш, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни оширишда солиқларнинг ўрни муҳимдир. Шу сабабли, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятларини эътиборга олган ҳолда, солиқ сиёсатини нисбатан уларнинг ривожланиш даражасига мослаштириш, солиқ механизмидан самарали фойдаланиш иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялашнинг ҳозирги шароитида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар таркибида етакчи ўринга кўтарилган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотнинг чуқурлашиши маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини янада ошириб, молия-бюджет соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Мамлакатнинг молия ҳамда солиқ-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодий тараққиёт яқин истиқболини таъминлашда муҳим ўрин эгаллашини инобатга олганда, ҳудуднинг молиявий ресурсларга ва ҳокимият органларининг уларни ҳудуд доирасида жамлаш, мақсадли йўналтирилишини

таъминлаш имкониятларига бўлган боғлиқлик ҳудудларнинг даромад имкониятларини сифатли ҳамда объектив баҳолаш ва ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мазкур ишнинг тез ҳамда самарали ҳал этилишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлувчи омил бўлиб, жойлардаги бошқарув органларининг ҳудудлар солиқ потенциалини оширишдаги манфаатдорлигини ошириш масаласининг тўлақонли равишда ўз ечимини топиши ҳисобланади. Бу эса ҳудудларнинг даромад имкониятларини объектив баҳолашни ва уни мустаҳкамлашни янада такомиллаштиришга қаратилган энг самарали йўл ҳисобланади.

Бугунги кунда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий соҳа ривожини янада рағбатлантириш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий-хом ашё, ер-сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш [3] долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳудудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг асосий қисми солиқлар воситасида молиялаштирилади. Шу сабабли, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий ҳолати ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда, солиқ сиёсати субъектларни ишлаб чиқариш ҳамда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш ҳозирги шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Солиқларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижасида гувоҳи бўлганимиздек, бу жараён бир қадар мураккаб кўринишга эга. Шу ўринда Самарқанд вилояти бўйича солиқ тушумларининг ўзгариш динамикаси ва уларни маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича режалаштирилган солиқ тушумларининг ижросини таҳлили [7]

№	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР					2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
		2014	2015	2016	2017	2018	
1	Режалаштирилган солиқ тушумлари, млрд.сўм	890,5	1 082,3	1 302,9	1517,1	1 653,3	+762,8
2	Ҳақиқий солиқ тушумлари, млрд.сўм	891,3	1 084,1	1 306,7	1555,1	2 006,7	+1115,4
3	Режа кўрсаткичларининг бажарилиши, фоизда	100,1%	100,2%	100,3%	102,5%	121,4	+21,3

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, вилоятда 2014-2018 йилларда солиқ тушумларининг режа кўрсаткичлари мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келинмоқда. Жумладан, режалаштирилган солиқ тушумлари 2014 йилда 100,1

фоизга, 2015 йилда 100,2 фоизга, 2016 йилда 100,3 фоизга, 2017 йилда 102,5 фоизга бажарилган. Шунингдек, 2018 йилда 1653,3 млрд.сўм режалаштирилгани ҳолда, ҳақиқий солиқ тушумлари 2006,7 млрд.сўмни ташкил этиб, режа кўрсаткичлари 121,4 фоизга бажарилган.

Республикамиздаги барқарор ривожланиш кўрсаткичлари вилоятга ҳам тегишли бўлиб, кутилган даражада даромадларни шакллантириш имконини бермоқда.

2-жадвал

Самарқанд вилояти туманлари кесимида режалаштирилган солиқ тушумларининг амалдаги ижроси [7]

фоизда

Т/р	Вилоят, шаҳар, туманлар	ЙИЛЛАР				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Самарқанд шаҳри	100,7	100,0	100,4	101,5	125,1
2.	Каттақўрғон шаҳри	101,9	100,2	100,4	104,0	118,6
3.	Оқдарё тумани	100,1	100,4	100,2	102,6	116,5
4.	Булунғур тумани	100,5	100,3	100,3	103,8	116,5
5.	Жомбой тумани	98,9	100,2	100,4	104,5	127,5
6.	Иштихон тумани	100,1	100,5	100,1	101,6	124,1
7.	Каттақўрғон тумани	100,0	100,3	100,1	103,8	118,6
8.	Қўшработ тумани	96,1	100,2	100,1	101,7	114,1
9.	Нарпай тумани	102,1	100,3	100,4	103,0	123,3
10.	Пайарик тумани	94,9	100,2	100,1	105,3	120,7
11.	Пастдарғом тумани	100,9	100,2	100,2	104,6	120,2
12.	Пахтачи тумани	97,2	100,6	100,7	101,5	127,3
13.	Самарқанд тумани	97,6	100,2	100,2	102,3	112,2
14.	Нуробод тумани	95,6	100,2	100,3	101,9	115,4
15.	Тайлоқ тумани	103,5	100,3	100,5	103,6	134,0
16.	Ургут тумани	103,6	100,3	100,2	100,8	107,1
Вилоят бўйича		100,0	100,2	100,3	102,5	121,4

Самарқанд вилояти туманлари кесимида солиқ тушумлари режасининг бажарилишини таҳлил этадиган бўлсак, сўнгги йилларда вилоят таркибидаги шаҳар ва туманларда режа кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилишига эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорида режадан ортиқча солиқ тушумларини маҳаллий бюджетга қолдириш белгиланган. Шунга кўра, 2018 йилда Самарқанд вилояти бўйича солиқ тушумларининг режа кўрсаткичларининг юқори даражада ортиғи билан бажарилишига эришилган. Бу ўз навбатида маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишга рағбатни кучайтиришга таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, талаб даражасида деб бўлмайди. Назаримизда, вилоятда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш имкониятларидан етарли даражада

фойдаланилмаяпти. Худудда тадбиркорликни ривожлантирмасдан ва солиқ базасини кенгайтирмасдан солиқ тушумларини ошириш мумкин эмас. Республикада хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юкни камайтиришга қаратилган олиб борилаётган солиқ сиёсатига монанд ҳолда солиқларнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Вилоят бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикасининг таҳлили кўрсатмоқдаки, унинг таркибида солиқлар ва солиқсиз тўловлардан тушумлар (даромадлар жами) ҳамда субвенция ва маҳаллий бюджетга бериладиган даромадларни доимий равишда ўсиб бориши кузатилган.



1-расм. Самарқанд вилоят маҳаллий бюджети даромадлари ва унинг таркибининг ўзгариш динамикаси, фоизда[6]

Қайд этилганидек, вилоят бюджети даромадлари таркибида умумдавлат солиқларидан ажратмалар ва маҳаллий бюджетга бериладиган даромадларнинг ўсиши кузатилмоқда. Дарҳақиқат, уларни бюджет даромадлари таркибидаги улуши ортишига мутаносиб равишда йиллар бўйича ҳам кескин ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Ўтган йилларга нисбатан энг юқори ўсиш даражаси 2018 йилда кузатилган ва таҳлил этилаётган йилларда ўртача 37,0 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети харажатларини молиялаштиришда субвенцияларнинг улуши 2011 йилда 51,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2012 йилда 49,0 фоизни, 2013 йилда 50,2 фоизни, 2014 йилда 35,4 фоизни ҳамда 2015 йилга келиб 12,3 фоизни ташкил этган ҳамда босқичма-босқич субвенция улушининг камайиши кузатилган. 2016-2018 йилларда эса вилоят маҳаллий бюджетига субвенция ажратилмаган.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг маҳаллий бюджет даромадлари таркибидаги улуши 2011-2018 йилларда мутаносиб равишда йиллар бўйича ортиб борганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, республикада бўлгани сингари вилоят маҳаллий бюджети даромадлари ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиб бориши билан бирга республика бюджетидан ажратиладиган мақсадли субвенцияларнинг камайиб борганлиги ва маҳаллий бюджет ихтиёрига қолдирилган даромадларнинг кескин равишда ортиб борганлиги билан ифодаланади. Бу ҳолат эса, вилоятда айрим ижтимоий соҳаларнинг кенг даражада ривожланишини марказий ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётганлигидан далолат беради.

Умумдавлат солиқларини вилоятнинг шаҳар ва туманлари ўртасида тақсимлаш механизмининг таҳлили кўрсатмоқдаки, ҳар бир субъект учун тақсимланаётган солиқлар меъёрлари йиллар бўйича нобарқарор равишда ўзгартириб келинишига қарамасдан, ушбу меъёрлар шаҳар ва туманларнинг маблағлар билан таъминлаш жиҳатдан кескин ўзгаришлар кузатилмаган. Бу ҳолат вилоят таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларини шакллантиришда бириктирилган ва тартибга солинадиган даромадларнинг ўзгариш динамикасида ҳам кузатилган.

Сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлсада, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги муаммолар тўлиқ бартараф этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги [2] каби солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммолар кўрсатиб ўтилган. Дарҳақиқат мазкур муаммоларнинг ечилиши маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш имконини беради.

3-жадвал

Самарқанд вилоятида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги улуши динамикаси [7]

фоизда

Т/р	Вилоят, шаҳар, туманлар	ЙИЛЛАР				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Самарқанд шаҳри	8,8	9,5	11,5	13,9	12,8
2.	Каттақўрғон шаҳри	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
3.	Оқдарё тумани	12,7	13,8	16,6	20,1	18,5
4.	Булунғуртумани	7,9	8,5	10,2	12,4	11,4
5.	Жомбой тумани	16,0	17,3	20,8	25,2	23,3
6.	Иштихон тумани	18,2	19,7	23,7	28,7	26,5
7.	Каттақўрғон тумани	16,3	17,7	21,3	25,8	23,8
8.	Қўшработ тумани	19,8	21,4	25,8	31,2	28,8
9.	Нарпай тумани	39,5	42,8	51,4	62,3	57,5
10.	Пайариқ тумани	13,3	14,4	17,4	21,0	19,4

11.	Пастдарғом тумани	17,9	19,4	23,3	28,3	26,1
12.	Пахтачи тумани	14,7	15,9	19,1	23,2	21,4
13.	Самарқанд тумани	16,2	17,5	21,0	25,5	23,5
14.	Нуробод тумани	16,6	17,9	21,5	26,1	24,1
15.	Тойлоқ тумани	14,1	15,3	18,4	22,3	20,6
16.	Ургут тумани	25,1	27,2	32,7	39,6	36,6
	Ўртача	17,0	18,4	22,1	26,8	24,7

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг улушини таҳлил этганимизда 2014-2018 йилларда ўртача 21,8 фоизини ташкил этмоқда. Таҳлил этилаётган йилларда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг салмоғининг бирмунча ошиши 2017 ва 2018 йилларда кузатилган. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Самарқанд шаҳри ҳамда Булунғур туманларида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг салмоғи анча камни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари кесимида маҳаллий бюджет харажатларини қоплаш имконини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда 14 та ҳудуддан 5 таси ёки уларнинг 36 фоизи, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари республика бюджетидан субвенция олувчи ҳудудлар қаторига киради. Бундан ташқари, Жиззах ва Янгиер шаҳарлари ҳамда 167 та тумандан 121 тасида ёки уларнинг 72 фоизида маҳаллий бюджет даромадлари субвенция ёрдамида шакллантирилмоқда” [4].

Бугунги кунда Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетлари юқори бюджетлардан турли хил кўринишдаги молиявий ёрдамлар ҳисобига молиялаштирилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиёти кўрсатмоқдаки, умумдавлат солиқлари вилоятлар маҳаллий бюджетларини шакллантириш имкониятларидан келиб чиқиб республика ҳукумати томонидан ҳудудлар бўйича бирламчи тақсимланаётган бўлса, вилоят ҳокимликлари томонидан вилоят марказий бюджети ҳамда унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар ўртасида иккиламчи равишда тақсимланмоқда (айрим ҳолларда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳам вилоят бюджети, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади). Бу ҳолат ўз навбатида вилоят марказий бюджети ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётини тадқиқ этишни тақозо этади. Шунга эътибор қаратиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетларга тақсимлаш механизмидаги муаммоларни тадқиқ этиб кўпроқ эътиборларини уларни бирламчи тақсимлаш механизмига қаратадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Вилоятдаги яна муҳим вазифа – айрим туманлар маҳаллий бюджетларини субвенцияга қарамликдан чиқариш билан боғлиқ. Бугунги кунда вилоятнинг 12 та тумани бюджетдан бериладиган субвенция ҳисобига қопланмоқда. Бундай

қарамликдан қутулишнинг йўли маълум – ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириб, бюджет даромадларининг асоси ҳисобланган солиқ тушумларини кўпайтиришдан иборат.


Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар натижасида 2017 йида Жомбой, Оқдарё ва Ургут туманлари, 2019 йилда Булунғур ва Қўшработ туманлари, 2020 йилга бориб Нарпай, Нуробод ва Тойлоқ туманларини субвенцияга қарамликдан тўлиқ чиқариш кутилмоқда” [5].

2018 йилдан бошлаб Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетларига субвенциялар ажратиш ўрнига юқори бюджетдан трансфертлар ажратиш механизми амал қилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини умумдавлат солиқлари ҳисобига шакллантирилиши улар харажатларини маҳаллий бюджетларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига молиялаштириш имкони йўқлиги билан ифодаланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳаллий ҳокимият органларининг ўзларига бевосита бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларининг чекланганлиги шароитида, умумдавлат солиқларидан ажратмалар амалга оширилиши уларда ўз даромадлари базасини мустаҳкамлашдаги ваколатларини янада чеклаб қўймоқда.

Шунинг билан биргаликда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг субвенция бериш тизимининг мавжудлиги уларни юқори бюджетга тобелигини билдиради. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди.

Шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг умумдавлат солиқларидан ажратмалар белгилаш ва субвенция тизимининг мавжудлиги, республикамиз бюджет қонунчилигига мувофиқ белгиланган маҳаллий бюджетларда тақчилликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги билан асосланиб, ушбу ҳолат ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг боқимандалигини кучайтирмоқда.



2-расм. Самарқанд вилоятида иқтисодиёт тармоқлари бўйича солиқ тушумлари динамикаси, фоизда [7]

Расм маълумотларидан кўринадикки, вилоятда саноат тармоғи бўйича солиқ тушумлари юқори бўлиб, 2014-2018 йилларда ўртача 41,6 фоизни ташкил этган ва йиллар бўйича ўсиш даражасига эга. Натижада 2018 йилга келиб жами солиқ тушумларининг 43,5 фоизи саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш тармоғининг ушбу йиллардаги улуши ўртача 16,4 фоизни, қурилиш тармоғининг улуши ўртача 5,0 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши ўртача 8,6 фоизни ташкил этган ва сунгги йилларда ўсиши кузатилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Вилоятда солиқ тушумларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича улушини динамикаси кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда вилоятда саноат, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун солиқ юқининг сўнгги йилларда камайтирилиши натижасида, уларнинг жами солиқлар таркибидаги улуши унчалик юқори эмас.

Қайд этилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларининг солиқлар бўйича ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар олиб бориш республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши қилиб белгиланиши лозим. Бу бир томондан маҳаллий ҳокимият органларининг даромад базасини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчи томондан солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини янада кенгайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодий имкониятидир. Маҳаллий бюджет даромадлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик ушбу ҳудуд аҳолиси фаровонлиги юқори бўлади.

Ҳудудлар иқтисодиётини солиқлар воситасида ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг солиқ-бюджет ваколатларини оширишнинг қуйидаги йўллари қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимиятларининг давлат бошқарувидаги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқаришдаги ролини ошириш, ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

- маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш, тасдиқлаш ва бажаришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқаларини, қонуний асосларини яратишга, яъни бунда турли бюджетларнинг ўзаро мажбуриятлари, ҳуқуқлари ўз аксини топиши лозим;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатларнинг қонуний чегарасини яратишга қаратилиши лозим.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар, маҳаллий ҳудудларда ушбу солиқдан тушадиган тушум ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланади. Маҳаллий ҳокимиятлар ташаббуси билан бириктирилган даромадлар улуши кўтарилса, албатта келгуси йили давлат солиқларидан ажратмалар фоизи камайтиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимиятларнинг доимий равишда бириктирилган бюджет даромадларини

кўпайтириб боришдаги қизиқишини чеклаб қўяди ва сўндиради. Шунинг учун, умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда уч йилга ўзгармас бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали маҳаллий ҳокимиятларнинг ушбу солиқлардан тушадиган даромадларни кўпайтириб боришидаги манфаатдорлиги ошади.

Учинчидан, маҳаллий ҳокимият даромадларини кўпайтириб бориш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида бўш пул маблағларини қисқа муддатларга банк муассасаларига фойда олиш мақсадида қўйиш. Бу бюджетга қўшимча маблағлар тушишини таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет муассасаларини маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш лозимдир. Бунда бюджет ижроси давомида фойдаланилмай қолинган маблағларини уларнинг ихтиёрида қолдириб, ишлатиш борасида эркинликни бериш лозим.

Бешинчидан, маҳаллий ҳокимиятларга ички ва ташқи бозорда зайёмлаштириш ҳуқуқини бериш лозим. Бу маҳаллий бюджетларнинг солиқсиз даромадларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Агарда юқоридаги фикр ва мулоҳазалар маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ-бюджет ҳуқуқларини оширишда амалиётга қўлланилса, тадбиркорликни рағбатлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, кишиларнинг моддий фаровонлигини оширишда маҳаллий ҳокимиятларнинг қўшимча молиявий ресурслари шаклланган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. www.Lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли Қарори. www.lex.uz.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.–Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й. 592

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й. 488 б.

6. Самарқанд вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

7. Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

8. Paying Taxes 2018: In-depth analysis on tax systems in 190 economies: PwC. [https:// www.pwc.com/gx/en/services/tax/publications/paying-taxes-2018/html](https://www.pwc.com/gx/en/services/tax/publications/paying-taxes-2018/html).